

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

С. Анорқулов¹, А. Биялиев²

Аннотация:

Ушбу мақолада инклюзив таълим тушунчаси, унинг аҳамияти ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинаган. Шунингдек, инклюзив таълимни жорий этишдаги асосий муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида сўз борган. Жаҳон тажрибаси ва миллий тажриба асосида инклюзив таълимнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: инклюзив таълим, имконияти чекланган болалар, таълим стратегиялари, тенг имкониятлар, жамият онги, ўқитувчилар малакаси, таълим сиёсати, инклюзив технологиялар, махсус педагогика.

Шиддат билан ривожланиб бораётган дунёда ҳар бир инсон тенг таълим олиш ҳуқуқига эга. Инклюзив таълим – бу жамиятда барча болалар, жумладан, имконияти чекланган болалар ҳам тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлайдиган таълим тизими ҳисобланади. Бундай тизим ҳар бир боланинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялашга қаратилган. Инклюзив таълим нафақат таълим соҳаси, балки ижтимоий тенглик ва бағрикенгликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Инклюзив таълим тушунчаси ва унинг аҳамияти. Сўнги йилларда инклюзив таълим – бу барча болалар, жумладан, ногиронлиги бор болалар ҳам бошқа тенгдошлари билан бир хил шароитда таълим олиши учун мамлакатимизда ҳам салмоқли ишлар, жумладан кенг имкониятлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизим болаларни ажратмасдан, уларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган таълим муҳитини яратишга йўналтирилган.

Инклюзив таълим болаларнинг ижтимоий интеграциясига, уларнинг шахсий ўсиши ва жамиятга мослашишига хизмат қилади. Инклюзив таълим тизими жаҳон миқёсида кенг қўлланилмоқда ва турли мамлакатларда бу борадаги ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда.

Ушбу мақолада биз инклюзив таълимни қуйидагича таҳлил қилиб чиқамиз:

Инфратузилма етишмовчилиги – кўпгина таълим муассасалари имконияти чекланган болалар учун мослаштирилмаган. Инклюзив таълим муассасаларининг жисмоний муҳити талабга жавоб бериши керак.

Педагогларнинг тайёргарлиги – кўп ўқитувчилар инклюзив таълим малакаси етишмаслиги. Инклюзив таълим мутахассисларининг малакасини ошириш, махсус педагогика бўйича тренинглар ўтказиш, янги йўналишлар очиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг инклюзив таълимга муносабати – баъзи ота-оналар ва жамоатчилик аъзолари инклюзив таълимни тўғри қабул қилмайди. Жамиятда бу борадаги онглиликни ошириш ва стереотипларни йўқ қилиш муҳим.

Махсус ўқув материалларининг етишмовчилиги – инклюзив таълим учун махсус дарсликлар, ресурслар етарли эмас. Замонавий технологиялардан фойдаланиб, инклюзив ўқув материаллари ишлаб чиқиш керак.

Инклюзив таълимни ривожлантириш йўллари:

Инфратузилмани такомиллаштириш – таълим муассасаларини барча болалар учун қулай шароитлар билан таъминлаш, имконияти чекланган болаларга адаптив муҳит яратиш.

¹ Анорқулов Санжар Искандарович, Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти

² Биялиев Акбар, Ж. Баласагин номидаги Қирғизистон Миллий Университети Қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти умумий ўрта таълим дастури ўқитувчиси (Қирғизистон)

Ўқитувчилар малакасини ошириш – инклюзив таълим методлари бўйича махсус курслар ташкил этиш, педагоглар учун малака ошириш дастурларини жорий этиш.

Жамият онгини ошириш – инклюзив таълимнинг аҳамиятини тарғиб қилиш, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари орқали тушунтириш ишларини олиб бориш.

Махсус ўқув материаллари ишлаб чиқиш – ногиронлиги бор болалар учун мослаштирилган дарсликлар, электрон ресурслар ва технологиялар ишлаб чиқиш.

Қонунчиликни такомиллаштириш – инклюзив таълим бўйича ҳуқуқий база ва давлат дастурларини ривожлантириш.

Асаосий омиллардан бири инклюзив таълимда халқаро тажрибани ўрганиш, бир қатор мамлакатлар инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича муваффақиятли тажрибага эга. Масалан, Финляндия, Канада, Германия каби мамлакатларда имконияти чекланган болалар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Бу мамлакатларда инклюзив таълимни ривожлантиришга давлат миқёсида катта эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, махсус мактаблар ва инклюзив таълим синфлари ташкил этилмоқда. Яна бир жихати, яқинда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан мамлакатимиздаги барчр ОТМ ўқитувчиларини малака ошириш курслари ташкил қилинди.

Инклюзив таълим барча болаларнинг тенг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган муҳим тизимдир. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши учун таълим муассасалари инфратузилмасини ривожлантириш, ўқитувчиларни тайёрлаш, жамият онгини ошириш ва махсус ўқув материалларини яратиш зарур. Инклюзив таълим жамиятда тенглик ва бағрикенгликни кучайтиришга хизмат қилади. Бу соҳадаги ишлар нафақат болалар, балки жамиятнинг барча қатламлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. ЮНЕСКО (2020). *Инклюзив таълим: Таълимда тенгликни таъминлаш*.
- [2]. Назаров А. (2021). *Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш йўналишлари*. Тошкент: Fan nashriyoti.
- [3]. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси* (2022). *Инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича давлат дастури*.
- [4]. Григорьева, И. (2019). *Инклюзивное образование: теория и практика*. Москва: Просвещение.
- [5]. Болтакулова, Г. Ф. (2016). Синтаксическая дистрибуция компонентов, выражающих темпоральность в английском и узбекском языках. *Вестник Челябинского государственного университета*, (9 (391)), 44-50.
- [6]. Mardonova, S. (2024). Qadimgi ingliz tilidagi "Feorrian, (ge)witan" yo'nalish harakati fe'llari semantik taraqqiyoti. *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit*, 400-403. <https://doi.org/10.2024/yr2r9r77>
- [7]. Sharifovna, R. S. (2025). Theoretical concepts on improving communicative skills of higher secondary school pupils. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research*, 12(03), 3-6.
- [8]. Ochilova, G. (2024, April). About the classification of kinship terms. In *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit* (pp. 341-343).
- [9]. Valieva, K. S. (2022). Effective strategies of enlarging students' vocabulary. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 181-183.
- [10]. Mavlonova, N. (2023). Interlanguage Phraseological Correspondence of English-Russian-Uzbek Languages and Their Classification. *Journal of Language Pedagogy and Innovative Applied Linguistics*, 1(4), 85-89.
- [11]. Oblokulova, M. M., & Boltakulova, G. F. (2024, May). Noyadroviy tobe (nd) komponent o'rnida kelgan temporallik. In *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit* (pp. 1023-1026).
- [12]. Axtamova, F. (2024). Technology-enhanced language learning in teaching foreign languages. *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit*, 80-82. <https://doi.org/10.2024/jy7bwj79>

[13]. "The importance of communicative competence in enhancing language learners' professional skills in pedagogy Rustamova Shokhista Sharifovna Yangi O'zbekistonda Tabiiy Va Ijtimoiy-Gumanitar Fanlar Respublika Ilmiy amaliy konferensiyasi, 3 (2), 154-157."

[14]. Khaydarov, E. (2023). Role of listening skill in teaching english as a foreign language. Экономика и социум, (1-1 (104)), 520-523.

[15]. Valieva, K. S. (2023). The variety of language social networks and their application in learning foreign languages. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 8.036, 12(01), 138-141